

(Туркистон маишатидан олинган ибратнома)

3 парда 4 манзарали, миллий биринчи фожиа

КАТНАШУВЧИЛАР

Б о й — 50 яшар.

Т о ш м у р о д — бойнинг ўгли, 15—17 яшар.

Д о м у л л о — янги фикрлик бир мулла, 30—40 яшар.

З и ё л и — (оврўпо либосида), ўрусча ўкугон, миллатчи мусулмон.

Х а й р у л л о — бойнинг мирза ва махрами, 18—20 яшар.

Т а н г р и к у л — бойнинг котили.

Д а в л а т и л а Н о р (бўз болалар) — кассаларига 4 сўм кадар майда керак.

Л и з а — рус хотини, кабиha шаклинда.

А р т у н — армани майхоначи.

П р и с т у ф — 2 политсейский, 2 коровул, бойнинг 3 нафар эркак хамсояси.

Б о й б у ч ч а — бойнинг хотини, 35—40 яшар.

КЕРАК НИМАРСАЛАР

Бир лаъли ширавор, нон, дастурхон, чойнак, пиёла, чилим.

Мехмонхонага кераклик гилам, кўрпа, ёстик.

Бойни(нг) ёток асбоби ва каравот.

Бир калтак.

Ўн шиша сув ва кивас.

Беш-олти истакон.

Бир сандук.

Бир хамён ичида пулга ўхшаган нимарса.

Бир катта пичок.

Бир таппонча.

Сандукни очатургон темур асбоб.

Мукаммал пристуф либоси.

2 политсейский мукаммал либоси.

2 коровул калтаги.

1 хуштак.

1 шохсака.

1 каноб.

1 кўл кишани.

БИРИНЧИ ПАРДА

Бой мехмонхонада ўтирар, Хайрулло ила домумла кирар:

— Ассалому алайкум.

БОЙ. Ваалайкум ассалом, мархамат килсинлар (туриб мулокот килуб, домуллага жой кўрсатиб, ўлтирур).

ДОМУЛЛА. Бой давлатини Оллохи таоло мундан ҳам зиёда килгай (фотиха килур).

БОЙ. Нафас(лари)и муборак, иншооллох, дурлари кабулдир.

ДОМУЛЛА. Балли, жумъа окшоми дуони кабул вақтидир.

БОЙ. Хуш келдилар, таксир.

ДОМУЛЛА. Саломат, саломат (кўлини кўксига килиб).

БОЙ. Хайрулло! Чой ва лаъли келтур.

ХАЙРУЛЛО. Хўш! (Чой ва лаъли келтирар, чой сузар, алар танаввул айлар, Тошмурад кирар, саломсиз, беадабона).

ТОШМУРОД. Ота, томошага бораман, пул беринг.

БОЙ. Ўғлим, ким ила борасан?

ТОШМУРОД. Турсун акам ила.

БОЙ (киссасидан пул бериб). Албатта, вақтли келинлар ва ёмон ерларга борманлар.

ТОШМУРОД. Хайр, хайр, хов кўп гапура(р)сиз-да (чикиб кетар. Домулла бой ва Тошмурадга бадбинона бокиб, бошини солар).

БОЙ. Сўзлашиб ўлтуринг, таксир.

ДОМУЛЛА. Хўб, хўб, бойвачча катта бўлубдур, Худо умр берсин, усули жадида мактабгами ўқийдур, ёинки эски мактабга?

БОЙ. Иккисига ҳам бормайдур.

ДОМУЛЛА. Ўз ховлингизда ўкутатургонсиз?

БОЙ. Йўк, йўк. Мен ўғлумни ўкутмоқга ўйлаганим йўк.

ДОМУЛЛА. Ажойиб, сабаб недурки, ўкутмайсуз? Вахоланки, ўкумок карз ва илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдур.

БОЙ. Мани хаёлимга дунёнинг сабаби, иззати — бойлик. Охиратга бўлса, Худонинг килган такдири бўлур. Чунончи, биз кўрамызки, одамлар бойни муллодан зиёда иззат киладурлар. Хусусан, мана, банлар кўпайди. Катта бойлар чилен бўлуб, хар ким чиленларни иззат килур, хатто, иши тушатургонлар чилен молини киммат олур, азбаски, чилен илтифотига олмаган одамларга банлар пул бермайдурки, сўнгра муомиладорлар синиб, майда-майда бўлур, билдингизми?

ДОМУЛЛА. Бу сўзларингиз хозирги замонага маъкул, лекин чилен ва бойларни иззатлари вақтинча ва халкни кўзи очилгунчадир. Холбуки, аларни иши тушганлар иззат килур, муллони бўлса, барча халк иззат килур, яъни муллони илми иззат килинадур.

БОЙ. Бизни ҳам бойлигимиз иззат килинадур, хатто, мусулмонлар нари турсун, ўрус ва арманлар-да иззат килур.

ДОМУЛЛА. Иззатни нари кўйдук, агарда ўғлингизни ўкутсангиз, дафтарингизни ёзар, намозингизни ва мусулмончилигини яхши билур ва ҳам сизга савоб бўлур.

БОЙ. Мирзалик осон, мана, Хайруллога ойинда етти сўм бераман, кундузлари мирзалик ва окшомлари мехмонхона ишини килар ва хатто, уйкум келгунча ходимлик килар, китоб ҳам ўкуб берар.

ДОМУЛЛА. Шариат илми ва зарурияти динияни билмок учун бойваччани ўкутмок, албатта, сизга лозимдир.

БОЙ. Шариат илмини ўкутмоқни лозим билмайман, чунки ани муфти ё имом ва муаззин килмоқчи эмасман, азбаски давлатим анга етар.

ДОМУЛЛА. Зарурати динияга не дерсиз?

БОЙ. Мен ўзим беш вақт намозни кераклик дуолари ила билурман. Ўзим ўргатурман. ДОМУЛЛА. Хат ва саводга не дерсиз? Холбуки, саводи йўк одам ҳеч нимага ярамайдур.

БОЙ. Бу фикрингиз галат, чунки мани саводим йўк, бовужуд, бу шахримизнинг катта бойларидандурман ва ҳар ишни билурман.

ДОМУЛЛА. Сиз илгари замонда бир нави ила бой бўлубсиз, аммо энди бой бўлмок нари турсун, факат рўзгор ўткармок учун (ҳам) илм керак. Кўрамизки, йигирма-ўттиз йилдан бери барча савдо ишлари армани, яхудий ва бошка ажнабийлар кўлига ўтди, муни сабаби бизларнинг ўкумагонимиздур. Ўкумаган бойваччаларни кўрамизки, ота молини барбод этар ва охири хор ва зор бўлур, бинобарин, ўглунгизни ўкутмокни сизга таклиф килурман.

БОЙ. Ай, домулло! Сиз манга тахкикчими? Ўгул маники, давлат маники, сизга нима? Ўкуганни бири сиз, емокга нонингиз йўк, бу холингиз ила манга насихат килурсиз. Хайрулло! Мехмонхонани кулфла, уйкум келди (Хайрулло лаъли ва асбобларни жамлаб, мунтазир турар).

ДОМУЛЛА (одамларга караб). Ўкумок ва мулла бўлмок учун пул керак, бадавлатларимизни холи бул, бас, бу кетиш ила наузамбиллох, дунё ва охиратга расво бўлурмиз, ўкумок барча мусулмонга, эркак ва ё хотин бўлсун, фарз эди. У кайда колди? Ох, вой бизни холимизга! (Бойга караб). Бой, ман сизга амри маъруф этдим ва менга шариат бўйича лозим бўлган ишни бўйнутдан сокит килдим. Иншооллох, мўйлаб чиқариб, алифни таёк демайтурган ўглунгиз холини кўрармиз ва ўкутмаганингиз учун гунохкор бўлурсиз (домулла нос чекар).

БОЙ. Ай, домулло! Манга насихатчи кераги йўк, безор килдингиз, (одамларга караб) ишимдан, уйкумдан бу одам мани колдирди. Хайрулло, мехмонхонани кулфла (домулла аразлаб чиқиб кетар, бойни димоги куйиб ўлтурар. Зиёли мусулмон кирар, пальто ва асосини михга кўяр, бой ола-ола карар, хушламас).

ЗИЁЛИ. Ассалому алайкум.

БОЙ (караҳтлик ила). Ваалайкум ассалом, Хайрулло, курси келтур. Бу киши ерга ўлтуролмайдур (келтурар, зиёли ўлтуруб, папирус чекар).

ЗИЁЛИ. Жаноб бой, сизни кайфсиз кўраман, мумкинми сабабини билсам?

БОЙ. Бир мулло келиб эди, ўглингизни ўкутмайсан деб жуда жонимни олди, кувлагандек килиб зўрга кутулдим, факат муштлашмадик.

ЗИЁЛИ. Ах-ха, кизик ва интересний ходиса эмиш (одамларга караб), бу шахарда бойларга амри маъруф килатургон мулла бор экан, Худога шукур. Ул жаноби хакконий домуллани топиб, зиёрат килмок керак. Бой афанди, сизга малол келмасун, ушбу тўғридан мен ҳам сизга қачонлардир бир неча сўз айтмокчи эдим. Ва аммо соати ушбу дақиқага мавкуф экан, энди сиздан илтимос киламанки, бир неча дақиқа менга кулок берсангизки, илм нафи тўғрисида сўзлайин.

БОЙ (ола-ола караб). Энди билдим, сиз ҳам ўглунгизни ўкут деб мани кисар экансиз (одамларга караб), бугун чап ёним ила турганман, ўйламаган ишлар олдимдан чиқар, мазмуни — кордан кутулиб, ёмгурга учраймиз. Хайрулло! Чилим келтур! (Тарафайн сукут, чилим келар. Бой чекар, йўталар).

БОЙ. Хайрулло!

ХАЙРУЛЛО. Лаббай, таксир!

БОЙ. Жойимни ташла, уйкум келди (хомуза тортар), эртага иш кўп, вақтлик ётмок керак (яна хомуза).

ХАЙРУЛЛО. Хўш, хозир.

ЗИЁЛИ (жиддият ила). Бой афанди! Мен сизга дедимки, миллатга кераклик илмлар тўгрисида сўзламокчиман, аммо сиз мени(нг) сўзимии эшитмокга хохламайтургонга ўхшайсиз. Иккинчи дафъа айтаманки, кулок беринг ва бу сўзлар сизни(нг) ва миллатни(нг) нафъидур.

БОЙ. Сўзингизни жабр ва зўр ила эшиттирасизми? Ва ё мени азоб бермакками келдингиз?

ЗИЁЛИ. Йўк, мен асли бошка иш учун келиб эдим ва лекин илм бахсининг устидан чикиб колдим. Ушбу сабабли муддаони табдил килиб, илм тўгрисидан сизга баён килмокни касд этдим. Шоядки, жанобингиздек бойлар миллат болаларини ўкутмокга саъй килсалар.

БОЙ (халкка караб). Кошки, домулло хикоялари етмаса эди. Хўб, модомики кўймайсиз, эртарок сўйлаб тамом килинг, уйкум келган (хомуза тортади), одамлар боласини ўкут, дейдур-а.

ЗИЁЛИ. Хозир янги ва бошка бир замондир. Бу замонга илм ва хунарсиз халкни бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун кўлидан кетгандек, ахлоқ ва обрўйи хам кўлдан чиқар, хатто, дини хам заиф бўлур. Бунинг учун биз мусулмонларни ўкутмокга саъй килмогимиз лозимдур, вахоланки, дини шарифимиз хар нав нафлик илм ўкумокни бешиқдан мозоригача бизларга фарз килгандир. Бу хукм — хукми шариатдир. Биз мусулмонларга, алалхусус, бу замонда икки синф уламо керакдур: бири олими диний; дигари олими замоний. Олими диний: имом, хатиб, мударрис, муаллим, кози, муфти бўлуб, халойикни диний ва ахлокий ва рухоний ишларини бошқарар, бу синфга киратургон талабалар, аввало, Туркистонда ва Бухорода илмий, диний ва арабий ва бир оз русча ўкуб, сўнгра Макка, Мадина, Миср ва Истанбулга бориб, улуми динияни хатм килсалар керак, ёки комил мулло бўлсунлар (бой мудрайдур). Англадингизми бой?

БОЙ (бошини кўтариб). Ха, ха, айтаберинг, кулогим сизга.

ЗИЁЛИ. Олими замоний бўлмок учун болаларни, аввало, мусулмоний хат ва саводини чиқаруб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини билатургондан сўнгра хукуматимизни(нг) низомли мактабларига бермок керакдур, яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўкуб тамом килгонларидан сўнг, Петербург, Масков дорилфунунларига юбориб, доктурлик, закунчилик, инженерлик, судьялик, илми санъат, илми иктисод, илми хикмат, муаллимлик ва бошка илмларни ўкутмок лозимдир. Русия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмок керакдир ва давлат мансабларига кирмок лозим. Токи маишати эhtiёжи замонамиз тўгрисида ватан ва миллати исломга хизмат килинса ва хам давлати Русия подшошлик мансабларига кириб, мусулмонларга наф еткурулса ва хам давлати Русияга шерик бўлунса, хаттоки, шул тарика ўкуган мусулмон болаларини Фарангистон, Америка ва Истанбул дорилфунунларига тарбия учун юбормок керакдур. Хазрат пайгамбаримиз: илм Хитойга хам бўлса, талаб килингиз, демадиларми? (Бой уйкуда). Бул ишлар бўлмас, магар пул ила, сиздек катта бойларни химмати ила, чунончи, Кафказ, Оренбург ва Козон мусулмонларини бой ва ахли гайрати илм йўлига кўп пуллар сарф этарлар ва камбагал болаларини ўкутдирарлар (бойга караб), албатта сўзларимга тушунгансиз, жаноби бой. Бой бова, хой!

БОЙ (мудрайди, бош кўтариб, эснаб). Ха, ха...

ЗИЁЛИ: Ал-он биз Туркистон халкига бир ёмон одат борки, бир киши русча ўкуб, подшошлик ишига кириб, расмий формасида юрса, масхара киладурлар, агар извошчилик ва ё кора мехнаткаш бўлуб, оврўпалиларни эски либосини кийса ва ё ўйинчиларнинг либосини кийса, ҳеч ким бир нима демайдирки, бу камоли нодонлик ва дунёдан хабарсизликдир. Шундай эмасми, бой амаки.

БОЙ (ўлтуриш еридан бир тарафга огиб ётиб). Хур, хур, хурра, хурра, хурра...
ЗИЁЛИ. Илохи худоё! Уммати исломияга, хусусан, биз Туркистонликларга раҳминг
келсун!.. (рўмоли ила кўз ёшини артиб, чикиб кетар).

Парда инар

ИККИНЧИ ПАРДА

Пивахона манзараси: бойвачча ила уч нафар ўлтурарлар.

ТАНГРИКУЛ. Бу окшом, билмайман, нима учун ичкилик мени тишламайдур: Намози
дигардан бери бир дюжина шишани бўшатдим. Даюсни пивоси кулогимни кизитмади.
Тўлдир, ичайлик (Нор қадахларни тўлдирар).

ХАММАСИ. Тошмурод бойваччани саломатлигига ура! Ура! Ура! (ичарлар).

ДАВЛАТ. Жўралар. Манувни ичдим, энди ёдимга Лизажон тушди. О, Лизажон!

ХАММАСИ. Ох, Лизажон, вох, Лизажон, кайдасан?

НОР. Золим фалак фирокига куйдирди мани; биллоҳки, келмаса, бўмийди.

ДАВЛАТ. Бу доду бедод ила ҳеч нима бўлмас. Хўжайинни чакирармиз, отам ўлди базми
килармиз.

НОР. Кўлингни бер, эй, номард, топдинг (кўлини сикар). Бўлди.

ДАВЛАТ. Эй, тўтабурут Тангрикул. Даминг чикмайдур. Шунча одам сўзини ўгирлаб
ўлтурасан. Эрга навбат, шерга навбат. Гап бериб ўлтур. Ё бу одамларни писанд
килмайсанми? Бизларни ҳам ёнимизга беш тангалик акчамиз бор. Жўра! Бу мастлик
ростликдир. Ковогингни очиб ўлтур.

ТАНГРИКУЛ. Жўралар. Сизлардан яширатургон сўзимиз йўк. Тўгрисини десам, мануни
ичдим, кулогим кизиган, сен Лиза дединг, энди ўзим шунда бўлсам-да, хушим Лизага, то
Лизани келтурмасанг, мани гапиртуролмайсан. Аммо гап келтурганингга, Давлат зўр!

ДАВЛАТ. Гам ема, муддаонг Лиза бўлса, шул замон ёнингга кўрарсан, келмасами?

Бошини оларман.

НОР. Бойвачча! Баришнага тобингиз борми?

ТОШМУРОД. Майли, одам юборинглар, базм килсун.

ТАНГРИКУЛ. Гап, гап ила вақтни ўтқарарсизлар, буюратургон бўлсанглар, буюринглар,
эртарок келсун, кайф килайлуқ (Давлат кўнгирок чалар. Артун армани майхоначи
кирар).

АРТУН. Нима дейсан?

ДАВЛАТ. Лизага бировни юбор, келсун.

АРТУН. Бунда?

ДАВЛАТ. Ха, мунда келтурмасдан мазоргами кетурардинг?

АРТУН. Извинит сурушдим-да.

ДАВЛАТ. Бўл. Бўл. Бировни юбор.

АРТУН. Бах, не вор, билурсин, Лиза банга демишки, ўн беш манатсиз банга киши
кўндарма. Ха, ўн беш манат-да ва фойтун пулини-да вер, гейин Николаи кўндарайум.
Лиза ўлмаса, бошқасини гетирсин, кайфинг нечик?

ДАВЛАТ. Аввал келтуруб, сўнгра пулни олсанг бўлмасми?

АРТУН. Давлат зўр! Бан сана демишимки, Лиза акча олмайинча гелмаз, бана не? Сен

Ўзинг билирсанки, у гавур кизи, баним дегил.

ТАНГРИКУЛ. Артун. Бир оз тўхта, пул берамиз.

АРТУН. Бош устина, хозирам (чикар. Жўралари кайфлари учуб, сукут этарлар).

ДАВЛАТ. Суз, ичайлик! (Нор сузиб куяр.)

ТАНГРИКУЛ. Пулни пешаки талаб килгани ишни белини синдурди.

ДАВЛАТ. Иш аксига олса, шундай бўлур. Пулларинг борми? Хаммаларинг чикаринг (хаммаси чикаради, Давлат санар, беш сўм етмас). Бу минан хеч нима бўлмас. Бир иложини топмок керак.

НОР. (тамаъгирлик ила). Эй, бойвачча, бизлар-ку, камбагал. Сизга нима, киссангиздан пул чикмайдур? Ана бойбаччанинг холи (кўли ила кўрсатур).

ДАВЛАТ. Парво килма. Нор. Мен бир нимарса ўйладим, агар бойвачча кўнса.

ТАНГРИКУЛ. Нима экан? Нима?

ДАВЛАТ. Тўхта, нима эканлигини биларсан. Аввал бойваччани(нг) саломатлигига ичайлик (Тангрикул сузар, ичарлар бойваччанинг саломатлигига).

ДАВЛАТ. Бойбачча. Бу кечадек чахоршанба сайри ойда-йилда бир бўлур ва (ё) йўк, бир кеча минг кеча бўлмас, агар кабул килсангиз, Тангрикулни сизга кўшарман. Бирга бориб, отангизни сандугини кўрсатурсиз. Бошка ишни Тангрикул бажарадур.

ТОШМУРОД. Тангрикул ака, борасизми?

ТАНГРИКУЛ. Улфатлар буюрса, у дунёга бораман. У-ку сизнинг ховлингиз.

ДАВЛАТ. Сен нима дерсан, Нор?

НОР. Мен хам кўпни бири, бор десанг, борарман.

ДАВЛАТ. Йўк, икков бас. Кўрганлар бадгумон бўлмасин. Букутни эртаси бор.

НОР. Бойбачча! Отангиз сандигини жойини биласизми?

ТОШМУРОД. Отамнинг ётатургон уйинда.

ДАВЛАТ. Ётатургон уйни неча эшиги бор?

ТОШМУРОД. Уч.

ДАВЛАТ. Кайси эшикдан кирасизлар?

ТОШМУРОД. Эшикнинг бири онамнинг уйиндан очилур, мен кириб, ховли тарафидаги эшикни очарман, сўнгра Тангрикул акам кирар.

ДАВЛАТ. Баракалла! Илгари хам ўгирлик килганга ўхшасиз. Нор! Тўлдур, ичайлик! (Нор тўлдурар, ичарлар. Тангрикул ва Тошмуродга караб) Энди борадургансизлар?

ТАНГРИКУЛ. Албатта. Бормай нима бўлбдур (Давлат тўппончасини бойваччага берар. Нор этик согидан пичокни олиб, Тангрикулга берар. Алар эҳтиёт килиб турарлар).

ДАВЛАТ. (иккисига караб). Йўл бўлсин, ботирлар?

ТАНГРИКУЛ. Олгани (Давлат Тангрикулни бир четга олиб, ишорат ва хуфия маълумот ва амр берар).

НОР. Омин, оллох... (Хаммаси) Оллоху акбар. (Давлат фотиха берар).

Парда инар

УЧИНЧИ ПАРДА

Одат бўйича бой ётар каравот устига уйкуда, уйни бир тарафига сандук. Тошмурод бир эшикдан охисталик ила кирар, бу тараф, у тарафга караб, бошка бир эшикни очар ва бир четга турар. Тангрикул кирар, кўлида калид ва темир асбоб, белига пичок, сандик

тарафига бориб, калид солар, сандик очилмас. Тошмуродга карайдур. Ишорат ила маслахат сўрайдур. Тошмурод сандукни темир асбоб ила синдирмокга амр берар. Тангрикул темир асбоб ила сандукни синдирар. Сандукни овози ила бой уйгонур. Бой чўчиб турар, калтакни олиб, вой, вой деб Тангрикулга югурар. Тошмурод калтакни келиб ушлар. Тангрикул пичок ила бойни кўлтигига урар.

БОЙ (тараклаб йикилар). Вох, жоним (жон узар типирлар, хириллар. Тангрикул сандикдан танга халтасини кўтарар, пичок ва темир асбобни ўзига беркитар, ташкаридан бир неча одам товуши эшитилур).

ОДАМЛАР. Нима гап, биров дод деди? (Бир неча эркак ила бой хотуни кирарлар, Тангрикул ила Тошмуродни кўрарлар).

ТАНГРИКУЛ. Тошмурод, от! (Тошмурод хавога тўппонча отар ва хозир кишиларга силох кўрсатиб кочарлар).

БОЙВУЧЧА. Вой, золим дастидан! Бу кандай кун эди, вой дод! (Чапак чалар, бой устига ўзини ташлар, юз ва сочини юлар). Хе, жувонмарг Тошмурод! Кон кус! Кошки чечакда кетсайдинг! Вой, падаркуш! Тошмурод! Вой, дод-ей!

ДОМУЛЛА (кирар). Онажон, сизга сабрдан бошка чора йўк. Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб жахолат ва нодонликдир, бемаънилик ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Ўглингизни беилмлик Сибирга юборади. Жонингиздан азиз фарзандингизни тарбиясизлик балоси сиздан умри айритадур. Болангизни отаси тарбия этмади, ўкутмади. Охири балога учради, ёмон рафиклар йўлдан чикардиларки, курбони жахолат бўлдингиз.

БОЙВУЧЧА (тўлгониб). Ой, вой-вой болам! Вой бойим, ох, вой у-у-у!

ДОМУЛЛА. Бойингиз-да насихатга кулок солмади ва охири ушбу ёмон ходиса пайдо бўлди. Эндй сизга, очиги, сабрдан бошка илож йўқдир, онажон. Оллох сизга сабр берсун.

БОЙВУЧЧА (камоли бетокатлик илан ох-вовайло этар). Дод, вой болам! Вой бойим! Иккисидан хам айрилдим, эримни мозорга, боламини Сибирга юборарлар! Вой, вой, вой у-у-у!..

ТЎРТИНЧИ МАНЗАРА

(Иккинчининг айна, майхона)

Нор, Давлат ичиб, ашула айтиб ўлтурар. Тангрикул ва Тошмурод писиб бориб кирар, тўппонча ва конлик пичокни бир четга яширар, хамённи чикариб, стол устига отар; ўлтурарлар.

ТАНГРИКУЛ. Чилим келтур-ей!

Артун чилим келтурур, чекарлар. Артун кетар. Тангрикул Давлатни бир тарафга олиб, хуфия бўлган ишлари сўйлар, ишоратлар килар. Давлат «бечора» деб хуфия сўйлаб, ишорат ила хотиржам киладир.

ТАНГРИКУЛ (хамённи очиб кўриб, суюнар, Тангрикул ва Тошмуродни елкасига кокар). Баракалла, баракалла (Давлат занг чалар, Артун кирар).

АРТУН. На буюрарсиз?

ДАВЛАТ. Ма, пулни ол, тезлик илан Лизанн келтур!

АРТУН. Бош устина. Хозир келур (пулни олар, ичарлар. Лиза кирар).

ЛИЗА. Добрий вечрим! (хаммаси-ла кўришар).

ДАВЛАТ. Исприздим, испасибо, испасибо, прихал...

ЛИЗА. Мерси (ўлтурар).

ДАВЛАТ. Суз, Лизанинг саломатлигига.

НОР (сузар, чўкиштириб). Лизанинг саломатлигига ура, ура (ичарлар).

Нор ашула ўкур, ташкаридан хуштак садоси келар, оёк товушлари эшитилар.

Мажлисдагилар саросима, хайрон бўлар. Силохлик политсейскилар, пристуф, коровуллар бостириб кирарлар. Лиза очар.

Политсия тўрт нафарни ушлар, баъзиси буюмларини ва хар тарафни ахтарур, конлик пичок ва тўппончани топар. Тўппончани пристуфга топширар. Искаб кўрар, ўкини бўшатар.

Тангрикул ва Тошмурод кочар. Коровуллар ушлар.

Тошмурод хўнгир-хўнгир йиглар, бетокат бўлур.

Пристуф ишорат килур. Кўлкишанни келтириб, Тангрикул ва Тошмуродга урарлар. Башка иккисининг кўли богланур.

Пристуф гунохкор ва коровулларни саф килдирур.

ЗИЁЛИ. (кирар, гунохкорларга караб афсус килур. Одамларга караб). Илм ва тарбиясиз

болаларни(нг) окибати шулдир. Агарда буларни отаси ўкутса эди, бу жиноят ва

падаркушлик алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди, хун бегайри

хаккин килмас эди. Умри борича Сибир ва бандга ва киёматга жаханнамга колмас эди.

Агарда булар ичкилик ичмаса эди, дунё ва охиратда илалабад азоб ва меҳнатда колмас

эди. Ох, хакикатда бойни ўлдирган ва бу йигитларни азоби абадийга гирифтор килган

беилмлиқдур. Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди килгон

тарбиясизлик ва жахолатдур: беватанлик, дарбадарлик, асорат, факру зарурат ва

хорликлар хаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидур. Дунёга

тараккий килган халк илм воситаси ила тараккий килади. Асир ва забун бўлганлар-да

беилмлиқдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўкутмаймиз, бул тарика

ёмон ходисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо хукм-фармо бўлса керак. Бу ишларни

йўк бўлмогига ўкумок ва ўкутмоқдан бошка илож йўқдур. Оллоху таоло бошкаларга

хамиша ибрат ва сизларга сабр бергай.

ПРИСТУФ (амирона). Хайда, турма, марш (йўналадур).

Парда инар